

**«ТАСДИҚЛАНГАН»
«O'zog'irsanoatloyiha»
Instituti aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг 2025 йил
24 июндаги йиллик умумий
йиғилиши қарорининг
2 - иловасига асосан**

**«O'zog'irsanoatloyiha» instituti
aksiyadorlik jamiyati
УСТАВИ**

(янги таҳрир)

Тошкент – 2025 йил

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. «O'zog'irsanoatloyiha» instituti aksiyadorlik jamiyati (бундан буён матнда «Жамият» деб аталади) «Узтяжпром» ижара корхонаси ва «Узстройпроект» РПТО Давлат корхонасининг қайта ташкил этилиши натижасида меҳнат жамоасининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси) 1994 йил 7 сентябрдаги 588к-ПО-сонли ҳамда 1995 йил 24 апрелдаги 119к-ПО-сонли буйруқларига биноан таъсис этилган ҳамда 611-сонли давлат ордери берилган (1994 йил 12 сентябрда 003779 рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

«O'zog'irsanoatloyiha» instituti aksiyadorlik jamiyati аввал Миробод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш «Ягона дарча маркази» томонидан 000116-03 – реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган. «O'zpro'latqurilmaloyiha» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.4. Жамиятнинг фирма номи:

Ўзбек тили кирилл алифбосида:

- Тўлиқ номи: «O'zog'irsanoatloyiha» instituti акциядорлик жамияти;

- Қисқартирилган номи: «O'zog'irsanoatloyiha» instituti АЖ.

Ўзбек тили лотин алифбосида:

- Тўлиқ номи: «O'zog'irsanoatloyiha» instituti aksiyadorlik jamiyati;

- Қисқартирилган номи: «O'zog'irsanoatloyiha» instituti AJ.

Рус тилида:

- Тўлиқ номи: Акционерное общество «O'zog'irsanoatloyiha» instituti;

- Қисқартирилган номи: АО «O'zog'irsanoatloyiha» instituti.

Инглиз тилида:

- Тўлиқ номи: Joint-Stock Company «Uzogirsanoatloyiha» institute;

- Қисқартирилган номи: JSC «Uzogirsanoatloyiha» institute.

1.5. Жамиятнинг жойлашган ери ва почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 88 уй.

Жамиятнинг электрон почта манзили: uztp@proekt.uz

1.6. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.7. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.8. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

1.9. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

1.10. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

1.11. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2. Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади

2.1. Жамиятнинг мақсади фойда (даромад) олишдир.

2.2. Жамиятнинг фаолиятнинг йўналишлари қуйидагилар иборат:

- ❖ Ҳалқ хўжалигинининг турли соҳаларида ишлаб турган корхоналар, бинолар ва иншоотларнинг янги, таъмирлаш, кенгайтириш ва техникавий жиҳозланиш иншоотларнинг янги, таъмирлаш, кенгайтириш ва техникавий жиҳозланиш қурилиши учун лойиҳа ишларининг ихтисослашган турларини қамраган ҳолда бажариш;
- ❖ Топографик ва геодезия муҳандислиги ишлари;
- ❖ Геология муҳандислиги ишлари;
- ❖ Корхоналар, муассасалар, қурилишларнинг ички ва ташқи коммуникация, сув ва оқава, иссиқлик, электр, алоқа, газ таъминотини лойиҳлаш;
- ❖ Ностандартлашган ускуналар чизмаларини ишлаб чиқариш;
- ❖ Автоматик тарзда ёнғин ўчириш қурилмаларини лойиҳалаш;
- ❖ Ёнғин ва қоровуллик сигнализация мосламаларини лойиҳлаш;
- ❖ Ишлаб турган корхоналар, бинолар ва иншоотларнинг қурилиш конструкциялари яроқлигини текшириш ва кларни мустаҳкалашга доир таклифларни ишлаб чиқиш;
- ❖ Бинолар ва иншоотлар конструкциялари ҳамда ускуналари занглашдан ҳимоялаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- ❖ Қозонхоналар, компрессорхоналар, дизель электр станциялари лойиҳалаш;
- ❖ Муҳандислик тармоқларини электрозанглашдан ҳимоялаш;
- ❖ Атроф муҳит муҳофазаси лойиҳалари, атроф муҳитга таъсирини баҳолаш ва атроф муҳит муҳофазаси лойиҳалари бўлимларини ишлаб чиқиш;
- ❖ Корхоналар қурилиши ва таъмирланишини ёки ишбилармонлик фаолияти техник иқтисодий асослари, ривожланиш ва жойлашиш чизмалари;
- ❖ Корхоналар ва ҳисоблаш тизимлари фаолиятини таъминлаш дастури ва тизимни ишлаб чиқиш;
- ❖ Турли ҳил мақсаддаги уй жой ва фуқаролик объектларини лойиҳалаш;
- ❖ Жиҳозларни бутлаш;
- ❖ Даромадли режалар ва маблағли дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқариш ва текшириш;
- ❖ Объектларни қурилиш ва лойиҳаланишида техник ёрдам кўрсатиш;
- ❖ Лойиҳа излаш, илмий техник ва ишлаб чиқариш мақсадидаги барча турдаги ишларни бажариш, бунинг учун юридик ва жисмоний шахсларни шартнома ва ёллаш асосида жалб этиш;
- ❖ Лойиҳа излаш ҳужжатлари экспертизасини бажариш.

Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

Асосий ишлаб чиқариш вазифаларидан ташқари, кўшимча фойда олиш мақсадида Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир.

3. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал

қиймати бир хил бўлиши керак.

3.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.3. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизидан ошмаслиги керак.

3.4. Жамият Устав жамғармасининг миқдори 2 189 515 680 (икки миллиард бир юз саксон тўққиз миллион беш юз ўн беш минг олти юз саксон) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 495 (тўрт юз тўқсон беш) сўм бўлган 4 423 264 (тўрт миллион тўрт юз йигирма уч минг икки юз олтимиш тўрт) дона оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги акцияларга бўлинган..

4. Жамият акцияларининг сони, номинал қиймати, турлари

4.1. Жамият томонидан 4 423 264 (тўрт миллион тўрт юз йигирма уч минг икки юз олтимиш тўрт) дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.

Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда миқдори 19 803 060 донага тенг бўлган эълон қилинган (қўшимча) оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги акцияларни жойлаштиришга ҳақли.

4.2. Жамият акцияларининг номинал қиймати 495 (тўрт юз тўқсон беш) сўм.

5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини)кўпайтириш ва камайтириш

5.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.2. Қўшимча акциялар фақат мазкур Уставда белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

5.3. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.4. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

5.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставига кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

5.6. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

5.7. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини)

кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

5.9. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи жамият кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

5.10. Жамият акцияларини ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

5.11. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга: Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

5.12. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкый ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш чоғида унинг акцияларига ҳақ тўлаш тартиби жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасида (ўзгартиш тўғрисидаги қарорда) ёки жамият уставида, қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш эса, уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.13. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

5.14. Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

5.15. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.16. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.17. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.18. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

6. Жамиятнинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари

6.1. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

6.2. Жамиятнинг корпоратив облигациялари Жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

6.3. Жамият мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқаришга ҳақли.

6.4. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

6.5. Жамият томонидан Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

7. Жамиятнинг фондлари

7.1. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди мазкур Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори Жамият Уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

7.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

7.4. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

7.5. Жамият қонунчиликда бегиланган тартибда бошқа фондларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

8. Дивидендларни тўлаш

8.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

8.2. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланилиши мумкин.

8.3. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

8.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

8.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендларни тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендларни тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши керак.

Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганлиги ва бошқа муҳим ахборот ҳақидаги хабар ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 15 кун ичида жўнатилганлиги фактини ва қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарномани қайд қилган ҳолда, акциядорлар эътиборига мобиль телефонга қисқа хабарлар (SMS-хабарлар) ва (ёки) электрон почта (акциядорлар реестрида мобиль телефон рақами ва электрон почта манзили мавжуд бўлганда) орқали етказилади.

8.6. Дивидендларни тўлаш муддат ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорда белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Дивидендларни тўлаш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ёки инвестиция воситачилари орқали акциядорнинг мавжуд банк ҳисобварағига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда автоматик равишда амалга оширилади. Бунда Жамият акциядордан дивидендларни тўлаш тўғрисидаги аризани талаб қилмайди.

9. Жамият бошқарув органлари, уларни шакллантириш тартиби ва ваколатлари

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва Жамиятнинг яққабошчилик асосидаги ижроия органларидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши

9.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

9.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият кузатув кенгашининг Раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

9.4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

9.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

9.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши одатда молия йилининг 20 июн куни ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг бош директори билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

9.7. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

9.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

9.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1) Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш, Жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;

2) Жамиятни қайта ташкил этиш;

3) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) Жамият кузатув кенгашининг (шу жумладан мустақил аъзоларини) сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6) Жамиятнинг устав фонддини (устав капиталини) камайтириш;

7) ўз акцияларини олиш;

8) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, Жамият Бош директорини сайлаш (тайинлаш) ва уни ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Шунингдек Жамият кузатув кенгаши Жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани, агар у Жамият Уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга;

9) Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

10) жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

11) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

12) Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

13) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 35- моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

14) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

15) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

16) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

17) жамият ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш;

18) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

19) мазкур Жамият Уставига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

9.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.11. Мазкур Уставдаги акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонунчиликда белгиланган ҳолатларда акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан ёки Жамият Уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўли билан кузатув кенгашига ваколат бериш ҳолатлари бундан мустасно.

9.12. Жамият Уставининг 9.8. банди 1), 2), 3), 5), 12) ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги

Қонуннинг 84-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

9.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари акциядорлар эътиборига:

- акциядорлар умумий йиғилиши тугаганидан сўнг эълон қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиш баённомаси тузилган санадан икки иш куни давомида муҳим фактлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш йуллари билан етказилади.

Агар Жамият акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса Жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни эълон қилиши шарт.

9.14. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кун тартиби, соф фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан тақлиф киритиши мумкин.

9.15. Акциядорлар (акциядор) Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади ва Комапниянинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом билан белгиланади.

Кузатув кенгаши

9.16. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

9.17. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1) жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

3) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

4) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

5) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

7) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

8) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабрдан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

9) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

10) Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

11) Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

12) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

13) Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

14) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

15) Жамиятнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

16) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

17) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

18) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

19) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

20) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

21) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар матнини тасдиқлаш;

22) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

23) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

24) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

25) ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

26) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

27) ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш;

28) зарурат туғилган ҳолларда низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш.

9.18. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

9.19. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

9.20. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 (етти) кишидан иборат.

9.21. Кузатув кенгаши таркибига биттадан кам бўлмаган (уставда назарда тутилган Кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15% кам бўлмаган) мустақил аъзоси киритилади.

9.22. Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

9.23. Қуйидагилар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

сўнги уч йил ичида жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларида ишлаган шахс;

жамият овоз берувчи акцияларнинг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилиланган шахслар орқали) акциядор;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-хукукий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенгамалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

сўнги уч йил ичида жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

кетма-кет олти йил давомида жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахсининг ёки сўнги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахсининг яқин қариндоши ёки қуда томоидан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-синглари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа синглари ва фарзандлари) бўлган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, акциядорларнинг умумий йиғилиши (ягона акциядор) кўриб чиқиши учун, қоида тариқасида танлов кўрсатиш, бунда акциядорлар томонидан ҳам танлов асосида ёки “headhunter” компанияси орқали танлаб олинган номзодлар мустақил аъзолик учун жамият кузатув кенгаши муҳокамасига киритилиши мумкин.

Жамият жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

9.24. Жамият Бош директори Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

9.25. Айти шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Жамият бош директори, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

9.26. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Жамият Уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан

тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

9.27. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

9.28. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарихда олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

9.29. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

9.30. Жамият кузатув кенгашининг Раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

9.31. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз Раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

9.32. Жамият кузатув кенгашининг Раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

9.33. Жамият кузатув кенгашининг Раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

9.34. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижроия органи аъзосининг талабига кўра чақирилади.

9.35. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Жамият фаолиятида ҳар чоракда Бошқарув органининг ҳисоботини эшитиш бўйича Кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл қўйилмайди.

Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиши мумкин.

9.36. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

9.37. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони мазкур Уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

9.38. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчиликда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса.

9.39. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

9.40. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

9.41. Жамият кузатув кенгашининг Раиси кузатув кенгаши аъзоларининг овози тенг бўлган ҳолларда ҳал қилувчи овозга эга.

9.42. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши

мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлисининг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

9.43. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

9.44. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

Ижроия органи

9.45. Жамият Бош директорини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

Жамият Бош директори Жамият акциядорлар умумий йиғилиш қарори билан уч йиллик муддатга сайланади (тайинланади). Бунда, Бош директор сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ директор бўлиши мумкин эмас.

Акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи (Бош директор)нинг ижроия органи (Бош директор)га сайлаш масаласида овоз бериш мумкин эмас. Жамият уставига кўра ёки акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият Бош директорини тайинлаш кузатув кенгашига берилган ҳолатлар бундан мустасно.

9.46. Жамият Бош Директори ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Жамият кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

9.47. Жамият Бош директорининг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.48. Жамиятнинг Бош директори акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

9.49. Жамиятнинг Бош директори номидан ишончномасиз иш юритади.

Бош Директор ваколатларига куйидагилар киради:

- ❖ Ўз ваколати доирасида Жамият фаолиятини бошқариш;
- ❖ Жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш, шунингдек, унинг манфаатларини ифода қилиш;
- ❖ Жамият номидан ишончномалар бериш;
- ❖ Ваколати доирасида Жамият номидан битимлар тузиш;
- ❖ Ишчиларни ёллаш, улар билан меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш, ҳодимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя қилиниши таъминлаш;
- ❖ Штат жадвалини тасдиқлаш;
- ❖ Барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва кўрсатмаларини бериш;

- ❖ Статистик ва бухгалтерик ҳисоботларни тегишли давлат органларига ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилишини таъминлаш;
- ❖ Ижтимоий гаровларни ва ходимларнинг меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилинишини таъминлаш;
- ❖ Жамият мулки ва пул маблағлари билан ваколати доирасида бошқариш;
- ❖ Филиал ва ваколатхоналар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва кўрсатмаларини бериш;
- ❖ Филиал ва ваколатхоналар раҳбарларини тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимларидан озод этиш;
- ❖ Жамият кузатув кенгаши олдида ҳар чорак якуни бўйича йиллик бизнес режанинг бажарилиши бўйича ҳисоботлар бериш;
- ❖ Жамиятни ривожлантириш дастур ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишни бошқариш, ташкил этиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;
- ❖ Жамият бизнес режасида кўзда тутилган фойдага эришишини таъминлаш;
- ❖ Кузатув кенгашининг, тафтиш комиссиясининг талабига биноан Жамият молиявий – хўжалик фаолиятига тегишли ҳужжатларни тўсиқларсиз тақдим этиш;
- ❖ Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа маълумот олувчиларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилигини таъминлаш;
- ❖ Жамиятнинг иш билан боғлиқ ва тижорат сирларини ўз ичига олувчи маълумотларини сақлашни ташкил этиш;
- ❖ Дивидендларни ҳисобланиши ва тўланилишида акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- ❖ Жамиятнинг самарали ва барқарор фаолият юритишини таъминлаш;
- ❖ Меҳнат ва техник интизомни сақлаш;
- ❖ Жамият акциядорлари умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан белгиланган муддатларда фаолият бўйича тегишли маълумотларни тақдим этиш;
- ❖ Амалдаги қонунчилик ва қонуности ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларига амал қилиш.

Жамият Бош директори Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига асосан бошқа ваколат (ҳуқуқ) ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

9.50. Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида, мазкур Уставда, лавозим йўриқномасида ҳамда унинг билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома Жамият номидан Жамият кузатув кенгашининг Раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият Бош директори билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

9.51. Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

9.52. Жамиятнинг Бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

9.53. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани у томонидан шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

9.54. Жамият кузатув кенгаши Жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани, агар улар мазкур Уставни қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

9.55. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият кузатув кенгаши томонидан

Жамият Бош директори ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Жамият Бош директори ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд Жамият Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

9.56. Жамият бош директори танлов тарзида сайланади (тайинланади). Шунингдек, Жамият бош директори этиб чет эллик менежерлар ҳам сайланиши (тайинланиши) мумкин.

10. Жамиятнинг молиявий – хўжалик фаолиятини назорат қилиш

а) Ички аудит хизмати

10.10. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир. Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

10.11. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Жамиятнинг ички аудит хизмати, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

10.12. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

б) Аудиторлик ташкилоти

10.13. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида ногўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

в) Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси

10.14. Жамиятда жамият кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилиши мумкин.

10.15. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

11. Яқуний қоидалар

11.1. Устав бўйича белгиланмаган қоидалар Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига асосан амалга оширилади.

11.2. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йули билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга асосан ҳал қилинади.

11.3. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йули билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

11.4. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб қучта қиради.

Бош директор



Б.К.Хазраткулов